

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШ****Кенжаева Муҳайё Абдумуродовна***Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети**Бошланғич таълим она тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси в/б доценти
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириши, касбга бўлган эътиборни кучайтириши, инновацион касбий фаолиятини ошириши тўғрисида фикр юритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари, касбий методик тайёргарлик, инновацион касбий фаолият.

Республикамиз мустақил давлат сифатида демократик жамият куриш, дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган. Бу ўз навбатида умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш билан белгиланади. Ўқитувчиларнинг касбий-методик тайёргарлиги уларнинг касбий фаолиятга доир билимлар, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, ўз-ўзини ривожлантириш каби асосий касбий фаолият соҳаларида акс этади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг ўз фанини ўқитишга доир билимларни мукамал билиши ва ҳаракатга келтириши, таълим жараёнини ташкил этиши ва баҳолаш учун зарур бўлган таянч компетенцияларни эгаллашдан иборат. Шу боис, ўқитиш ва тарбиялаш жараёни таълим соҳасида инновацион илмий ютуқлар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида интенсив ташкил этишни ва ўз-ўзини ривожлантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармони ва мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарорда мамлакатимиз таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат эътиборни янада ошириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Билимга асосланган иктисодиёт таълим ва касбий тайёргарликнинг янги моделларини талаб қилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш касбий ривожлантиришни талаб этади. Бунинг учун дунё илм-

фанида ўқитувчи компетенциясини шакллантириш, бошланғич синф ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш ҳамда касбий ривожлантириш бўйича педагог ва услубчи олимлар томонидан ўрганилган илмий-назарий қарашларни билиш лозим. Жаҳонда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни методик жиҳатдан такомиллаштириш, кенг профилли мутахассислар тайёрлаш, талабаларнинг креативлиги, касбий компетентлиги, илмий дунёқарашини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши алоҳида аҳамиятга эга. Хорижий давлатларда ўқитувчининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш масалалари кенг ўрганилиб келинмоқда. Европа мамлакатларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳати Чжай Хунюнь, Е.Н.Галиуллина томонидан илмий-тадқиқот ишларида ёритилган. Шу жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий методикасини ошириш, ўқув фаолияти самарадорлигининг юқори бўлиши ҳамда илғор хорижий тажрибаларни бошланғич таълимга татбиқ қилиш зарурати изоҳланади.

Бугунги кунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш, бошланғич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтишини таъминлаш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини кўтариш, халқаро стандартларга мослаштириш, илмий саводхонлигини ошириш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда бошланғич таълимда ўқитиш ва педагогик-психологик масалалари Н.Муслимов, Е.Ғозиев, К.Мамедовлар, касбий тайёргарликни инновацион технологиялар ҳамда методлар орқали шакллантириш Н.Н.Азизходжаева, Ў.Қ.Толипов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фан-техника тараққиёти, жамиятдаги ўзгаришлар, замонавий таълим тизимининг юқори даражада янгиланиш босқичида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларини қўймоқда. Инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг янгиланган талаблардан бири, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига шароит яратиш, тез ўзгарувчан меҳнат мазмуни ва узлуксиз янгиланиб борадиган билимлар заруратини ўргатишдан иборат.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш учун талаба ўқитувчи фаолияти тузилишини яхши англаши зарур. Маълумки, инновацион фаолият маълум доирадаги вазифаларни ечишни билиш билангина эмас, балки ташқи вазифаларни излаш ва ҳал этишга мотивацион тайёргарликнинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқ. Чунки бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда ҳамда инновацион фаолиятини амалга оширишда педагог шахсининг ўз-ўзини намоён этиши муҳим саналади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти санаб ўтиладиган мотивлар қуйидагича: инновацияларни жорий этишнинг муайян элементлари учун моддий мукофотлаш билан боғлиқ ташқи рағбатлар;

ўқитувчи ўз-ўзини мустаҳкамлаш мотивлари (атрофдагиларнинг ташқи ижобий баҳолашлари орқали ўз-ўзини мустаҳкамлаш);

касбий мотив;

шахсий ўз-ўзини амалга ошириш мотивларидан иборат.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятида креативлик ҳам муҳим тавсиф ҳисобланади. Креативлик ижтимоий аҳамиятли ижодий фаолликни намоён этиш қобилиятига боғлиқ бўлган ижодкорлик, инсоннинг ижодий имкониятлари ҳамда унинг алоҳида хусусияти сифатида қаралади. Инновацион фаолиятнинг технологик компоненти рефлексив хусусиятга эга бўлиб, таълим олувчилар жамоаси фикри ва ҳаракатини ҳамда ўз фаолиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини тушуниш ва талқин қилиш фаолиятини ёритади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси мақсадга йўналтирилган янги ахборотларни қидиради, муаллифлик мактабини яратади, ўз тажрибасини бошқалар билан баҳам кўради. Бундай ўқитувчилар фаолиятида муҳим ролни сезги, инновацион тасаввур, импровизация эгаллайди. Барча бошланғич синф ўқитувчилари ҳам

янгиликларга бир хилда муносабатда бўлмаслиги ва бир вақтда қабул қилмаслиги ҳаммага маълум. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни инновацион касбий фаолиятга мустақил, ижодий, амалий тайёрлаш муаммоси ҳар доим психология ва педагогика соҳаси тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогларнинг ўзлаштирган компетенцияларини келгуси меҳнат фаолиятида амалиётга татбиқ қилиш даражаси билан боғлиқ. Шу боис, бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолияти қуйидаги хусусиятларда:

- бошланғич синф ўқувчилар шахсини шакллантиришнинг бошланғич даврда амалга оширилиши;

- оғзаки ва ёзма нутқни билишнинг дастлабки кўникма ва малакаларини шакллантириши;

- бошланғич синф ўқувчиларининг турли ижтимоий муносабатларга киришишлари ва коммуникатив компетенциянинг шаклланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Мазкур яхлит жараёни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси дарс жараёнларида тизимли ташкил этиши муҳим аҳамиятга эга.

Инновацион фаолият жараёнида бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчисининг ёши ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишига тўғри келади. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларда фанларни ўқитишда қўлланиладиган инновациялар хусусияти ва мазмунида ифодаланади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолияти хусусиятлари таснифини қуйидагича келтиришимиз мумкин.

1. Бошланғич синф ўқувчисининг шахсини шакллантириш.

2. Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

3. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув (билиш) фаолиятини ташкил этиш.
4. Шахсга йўналтирилган ёндашув.
5. Интегратив ёндашув.
6. Илмий дунёқарашни шакллантириш.
7. Бошланғич синф ўқувчиларида оғзаки нутқ ва ёзма нутқни ривожлантириш.
8. Ҳиссий рағбатлантириш.
9. Миллий қадрият ва бағрикенглик муносабатини шакллантириш.
10. Мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш.

Ўқитувчи ижодий ёндошувчи, изланувчан, педагогик ғоялар мужассамлашган шахс сифатида тавсифланади. Касбий инновацион маҳоратни эгаллаш ўқувчилар тўғрисидаги билимлар бойлигини ҳар томонлама чуқур эгаллаши асосида ҳосил бўлиши мумкин. Юқори педагогик маданият ўқитувчига таълим-тарбиянинг самарали шакллари, методлари, воситаларини компетентли танлаш имконини беради ва бу ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш асосидаёритади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси ўз касби учун мумкин бўлмаган қуйидаги шахсий сифатларни енга билиши шарт:

- апатия;
- болаларни ўқитиш ва тарбиялашдаги расмиятчилик;
- болаларга ва уларнинг тақдирларига бефарқлик;
- жиззакилик;
- қарорларни қабул қилишда хулқ-атворидаги шошқалоқлик ва ўйламаганлик.

Демак, бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни амалий ишда инобатга олиш бир томондан мажбурий ҳисобланади, иккинчи томондан уларни билиш ўқитувчига инновацион йўналишлар ва технологиялар кўринишларини тушуниш, ўзи учун шахсий индивидуал иш методини излаши ва аниқ инновацион педагогик фаолият майдонини аниқлаш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 24.10.2020 й.

2. Муслимов.Н.А.Касб таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: пед.ф.док....дисс.-Т.:2007,-315.б

3. Чжай Хунюнь. Методические подходы к совершенствованию подготовки будущих учителей начальных классов к применению информационных и коммуникационных технологий в профессиональной деятельности дис. ...канд. Пед. наук: 13.00.08, 2018.- 175 с.

4. Галиуллина Е. Н. Методическая подготовка будущих учителей начальных классов к обучению младших школьников решению "открытых" задач : дис. ... канд. пед. наук : 13.00.02, 2006 198 с.
5. Sh.Sharipov, N.Muslimov, M.Ismoilova. “Kasbiy ta’lim pedagogikasi”. Metodik qo’llanma.-T.2005 y
6. Гаффаров Э. Инновация, ижтимоий инновация ва инновацион фаолият: илмий-назарий ёндашувлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019 йил, 10-сон. 153-157 бетлар.
7. Азизова Г.Г. Олий таълим муассасалари профессор- ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш 13.00.01 - “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт. автореферати. Самарқанд - 2019.